

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХУДОЙБЕРДИЕВ ДИЛШОД КАРИМОВИЧ

**СУРУНКАЛИ НУР КАСАЛЛИГИДА ОШҚОЗОН МОРФОМЕТРИК
КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАВСИФИ ВА ПОСТНАТАЛ
ОНТОГЕНЕЗДА БИОСТИМУЛЯТОР ТАЪСИРИДАГИ
ЎЗГАРИШЛАРИ**

14.00.02 – Морфология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Худойбердиев Дилшод Каримович

Сурункали нур касаллигида ошқозон морфометрик кўрсаткичларининг
қиёсий тавсифи ва постнатал онтогенезда биостимулятор таъсиридаги
ўзгаришлари 3

Худойбердиев Дилшод Каримович

Сравнительная характеристика морфометрических параметров желудка при
хронической лучевой болезни и коррекция биостимулятором в
постнатальном онтогенезе 21

Xudoyberdiyev Dilshod Karimovich

Comparative characteristics of morphometric parameters of the stomach in chronic
radiation sickness and correction with a biostimulator in postnatal
ontogenesis 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХУДОЙБЕРДИЕВ ДИЛШОД КАРИМОВИЧ

**СУРУНКАЛИ НУР КАСАЛЛИГИДА ОШҚОЗОН МОРФОМЕТРИК
КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАВСИФИ ВА ПОСТНАТАЛ
ОНТОГЕНЕЗДА БИОСТИМУЛЯТОР ТАЪСИРИДАГИ
ЎЗГАРИШЛАРИ**

14.00.02 – Морфология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Tib1135 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Тешаев Шухрат Жумаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Рахматова Муқаддас Холтаевна
тиббиёт фанлари доктори

Миршарапов Ўткир Миршарапович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Волгоград давлат тиббиёт университети
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ кунни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ кунни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Н. Ачилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.А. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, XXI аср ўрталарига келиб овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари етакчи ўринни эгаллайди. Бу асосан одам турмуш тарзи (стресс, нотўғри овқатланиш, жисмоний ҳаракатсизлик, зарарли одатлар), атроф муҳитнинг ифлосланиши, сифатсиз озик овқатлар истъмоли билан боғлиқ. Одамларга салбий таъсир этувчи омиллар орасида ионлаштирувчи нурланиш алоҳида ўрин тутаяди, чунки у организмдаги метаболизм мувозанатини ишдан чиқаради ва нурланишга нисбатан юқори сезгирликка эга ошқозон ичак тизими аъзоларида сезиларли ўзгаришларни келтириб чиқаради. Шунинг учун у Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан касбий онкологик касалликларни келтириб чиқарадиган канцероген моддалар рўйхатига киритилган. Шунга қарамай, «...радиация иншоотлари сони йилига 10% га, уларда фаолият юритувчилар сони эса 4% га кўпаймоқда...»¹. Бу эса нурланиш муаммоси нафақат радиобиологик, балки тиббий-ижтимоий муаммолигини ва унинг ечимини топиш долзарб вазифа эканлигини кўрсатади.

Дунё миқёсида кўплаб ўтказилаётган тадқиқотлар натижасида 35% одам ошқозонининг турли кўринишдаги касалланишлари кўпаяётгани кўрсатилган. Шу касалликлар орасида гастрит ва ошқозон яра касаллиги бошқаларига нисбатан кўпроқ фоизни ташкил қилган. Ионли нурланишнинг овқат ҳазм қилиш тизимига таъсирини ўрганиш натижасида сурункали нур касаллигида ошқозон безлари секретор функциясининг босқичма-босқич камайиши кузатилган. Кўрсатилган оғишлар компенсацияланган ва субъектив бузилишлар билан биргаликда бўлмаган. Патологик жараённинг умумий оғирлашиши билан нотўғри секретор-мотор фаолликнинг бузилиши янада турғун ва қонуният асосида пасайиши билан алмашинган. Ошқозондаги морфометрик ўзгаришларнинг даражасини аниқлаш ташхислаш ва даволаш тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш хизматини тубдан такомиллаштириш, жумладан канцероген моддаларнинг овқат ҳазм қилиш тизимига таъсири ҳар томонлама чуқур ўрганилган, асосли натижалар олинган. Бу борада Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳолида соғлом турмуш тарзини шакллантириш»² каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу муаммоларни ҳал қилиш эса нурланиш натижасида ривожланаётган ошқозон касалликларидан ўлим даражасини камайтириш имконини яратиб, замонавий тиббий хизмат сифатини, диагностика ва даволашни янги даражага кўтариш, замонавий технологиялардан фойдаланишни янада такомиллаштиришни тақозо этган.

¹Lee Y.J., Lee J.W., Jeong G.S. The increased use of radiation requires enhanced activities regarding radiation safety control // J Radiat Ind. – 2015. – N 9 (2).– P. 103– 109.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўплаб ўсимликларнинг хом-ашёсида мавжуд бўлган биологик фаол бирикмаларнинг (БФБ) кенг спектри махсус фармакологик таъсири билан бир қаторда организмда умумий соғломлаштирувчи (органопротектор) таъсир кўрсатган [Тешаев Ш.Ж. ва ҳаммуал., 2020].

Ҳозирги кунда организмга ижтимоий-экологик омилларнинг таъсирини камайтириш, метаболизм ва иммунитетнинг коррекцияси учун биологик фаол моддаларни олиш муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда. Биостимуляторлар ва адаптогенлар организмнинг жисмоний ва эмоционал юкламалардаги умумий қаршилик кўрсата олиш кучини оширади (Куркин В.А. ва ҳаммуал., 2017).

Мавжуд тўқима терапияси воситалари орасида АСД препарати алоҳида ўринни эгаллайди. Уни қабул қилишнинг ҳам перорал, ҳам парентерал усуллари мавжуд бўлиб, организмнинг ҳаётий-муҳим функцияларининг кучли стимулятори ҳисобланади. Маҳаллий қўллаганда у стимулловчиликдан ташқари антисептик таъсирга ҳам эга. Препарат организмга кўп томонлама таъсир кўрсатади.

У моддалар алмашинувини ва оксидланиш жараёнларини жадаллаштиради, қондаги захира ишқорийликни кўпайтириб, тўқималардаги алмашинувни меъёрлаштиради, овқат ҳазм қилиниши, озик моддаларнинг сўрилишини яхшилади, юрак фаолияти ва нафас олишни стимуллади (Пожарисская Т.Д. ва бошқ., 2016).

Мавжуд адабиётларнинг ўрганилиши АСД препаратининг овқат ҳазм қилишга, аниқроғи ошқозоннинг функцияси ва морфологиясига таъсири тўғрисидаги маълумотларнинг камлигини кўрсатди. Бундан ташқари, радиацион нурланиш (сурункали нур касаллиги) да ошқозондаги ўзгаришлар ва унинг биостимулятор ёрдамида коррекцияси ҳозирги кунга қадар очик саволлигича қолмоқда (Д.А. Хасанова ва ҳаммуал., 2019).

Диссертация мавзусининг олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Абу Али ибн Сино

номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 05.2021.PhD.121-сонли «Бухоро ҳудуди иссиқ иқлими шароитида патология олди ва патологик ҳолатларни эрта ташҳислаш, даволаш ва профилактикасига янги ёндашувларни ишлаб чиқиш» (2017-2021 й.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади тажрибада сурункали нур касаллигида ошқозон морфометрик кўрсаткичлари қиёсий тавсифи ва постнатал онтогенезда АСД-2ф биостимулятори таъсиридаги ўзгаришларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқо вазифалари

оқ зотсиз каламушлар ошқозон деворининг постнатал онтогенездаги меъёрий морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини аниқлаш;

оқ зотсиз каламушлар ошқозон деворининг сурункали нур касаллигидаги ёшга боғлиқ морфологик ва морфометрик ўзгаришларини соғлом каламушлар кўрсаткичлари билан қиёслаш;

АСД-2Ф биостимуляторини сурункали нур касаллигида қўллаганда оқ зотсиз каламушлар ошқозон деворида юзага келадиган морфологик ва морфометрик ўзгаришларини аниқлаш;

сурункали нур касаллигида ва АСД-2Ф биостимуляторини турли вариантларда қўллаганда, лаборатория ҳайвонлари ошқозон девори тузилишининг морфологик ва морфометрик ўзгаришларини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида 166 та оқ зотсиз эркак каламушлардан фойдаланилган. Улар янги туғилганлар, 3, 6, 9 ва 12 ойлик ёшларига ажратилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида тажриба остидаги оқ зотсиз эркак каламушлар ошқозонининг кардиал ва пилорик қисмларидан олинган гистологик материаллар хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажариш мақсадида морфологик, морфометрик, статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

турли ёш гуруҳларида сурункали нур касаллиги билан зарарланган оқ зотсиз каламушлар ошқозони деворларининг турли қисмларида морфологик структура ўзгаришлар қиёсий аниқланган;

сурункали нур касаллиги ошқозон девори структурасига салбий таъсир кўрсатиши, нурланган каламушларда ошқозон девори қалинлиги ва унинг қаватлари орасидаги ўзгаришларда намоён бўлиши аниқланган;

ошқозон деворлари, унинг қаватлари ўзгаришлари, ўсиши ва қон билан таъминланиш жараёнларининг чуқур бузилиши билан изоҳланиб, ошқозон томирлари жойлашуви сийраклашиши ва устувор ўзгарувчанлиги исботланган;

сурункали нур касаллигида биостимуляторнинг параллел равишда қўлланилиши ошқозон девори қаватларининг морфометрик параметрларида сезиларли ўзгаришлар кузатилмаган, бунда ошқозоннинг ҳимоя кучини ошириши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сурункали нур касаллигида ошқозондаги морфометрик ўзгаришларнинг даражасини аниқлашга, шунингдек ёш категорияларида ошқозонни ташкил

этувчи анатомик структураларда эҳтимолий зарарланишларнинг олдини олиш, эрта аниқлаш ва патогенетик терапиясини белгилаш имконини бериши аниқланган;

сурункали нурланиш таъсирида ошқозон ривожланиши, қон билан таъминланиш жараёнларининг бузилиши соғлиқни сақлаш амалиётида даволаш тактикасини белгилашда эътиборга олинishi асосланган;

тажрибада ошқозон девори қаватларидаги патоморфологик ўзгаришларни эрта аниқлаш ва АСД-2ф биостимулятори таъсирида коррекциялаш усуллари илмий асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тажриба ҳайвонлари сонининг етарлилиги, тадқиқотда замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тажрибавий, морфометрик, лаборатор ва статистик текширув усулларида фойдаланилганлиги, сурункали нур касаллиги ва АСД-2ф биостимулятори таъсиридаги ошқозон девори морфофункционал хусусиятларини баҳолаш бўйича натижаларнинг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти организмда турли ёш даврларида патоген омиллар таъсирида юзага келадиган ҳазм қилиш жараёнларнинг мураккаб механизмлари очиб берилганлиги, ошқозон девори гистотопографияси ва унинг структур ўзгаришлари тўғрисидаги назарий билимлар даражасини кенгайтиришга имкон бериши ва илмий тадқиқотнинг турли соҳаларида қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нурлантирилган ҳайвонлар ошқозон деворининг морфометрик ўзгаришларининг асосий принциплари аниқланганлиги, олинган маълумотлар сурункали нур касаллигини эрта ташхислаш сифатининг яхшиланиши, прогнозлаш усуллари ва илмий асосланган самарали даволаш тактикасини ишлаб чиқишга кўмаклашиши, ўз навбатида, илмий лабораторияларда сурункали нурланиш таъсирида ҳазм қилиш тизими касалликлари бор беморларни ўрганишда тажриба модели, тиббиёт олийгоҳлари ўқув жараёнида анатомия, гистология, патологик анатомия, радиология ва радиобиология фанларидан маърузалар ўқиш ва амалий машғулотлар олиб боришда, талабалар мустақил ишларида янги ахборот манбаси сифатида фойдаланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали нур касаллиги ва АСД-2ф биостимулятори таъсиридаги ошқозон девори морфофункционал кўрсаткичларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сурункали нур касаллиги фонида биостимулятор таъсирида ошқозон девори тузилиш ўзгаришларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Сурункали нур касаллигида ва биостимулятор қўллаганда ошқозон морфометрик параметрларида ўзгаришларни аниқлаш усули» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган

(Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 10 сентябрдаги 8н-р/762-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали нурланиш вақтида ва АСД-2ф биостимулятори таъсирида ошқозон деворида кузатиладиган структур ўзгаришларни аниқлаш имконини берган;

сурункали нур касаллигида ва меъёрда ошқозон девори морфологик кўрсаткичларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Анъанавий ва сурункали радиация касалликларида ошқозоннинг морфологик параметрларини аниқлаш усули» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 10 сентябрдаги 8н-р/763-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома сурункали нурланиш таъсирида пайдо бўлиши мумкин бўлган асоратлар олдини олиш ва ўз вақтида даволаш алгоритмини тузиш имконини берган;

сурункали нур касаллиги ва АСД-2ф биостимулятори таъсиридаги ошқозон деворининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали, Гиждувон тумани тиббиёт бирлашмасида амалий фаолиятига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 10 сентябрдаги 8н-з/292-сон маълумотномаси). Илмий иш натижаларининг амалиётга жорий қилиниши касалликнинг эрта ташхисланиши, унинг ривожланиш даражаси, асоратлар камайиши, беморлар ҳаёт сифатининг яхшиланишига имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари шакллантирилган, объекти ва предмети, республика фан ва технологияларини ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилик, тадқиқотнинг амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг ишончлилиги, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини

амалиётга жорий қилинганлиги, апробация натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **“Ошқозон деворларининг морфометрик параметрларини ўрганишнинг амалий тиббиёт учун аҳамияти”** илмий манбалар таҳлили батафсил ёритилган. Маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг илмий ютуқлари энг замонавий даражада чуқур таҳлил қилинган, шарҳда ошқозон морфометрик параметрлари, уларга ташқи муҳит омилларининг таъсири, ошқозон деворининг тузилиш элементларига радиацион таъсир қилиш борасида сўнгги йилларда олиб борилган илмий изланишларга асосланган, радиопротектив дорилар, шу жумладан антисептик-стимулятор АСД-2 фракцияси, одам аъзолари ва лаборатория ҳайвонларига таъсири ҳақидаги тавсифлар берилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Сурункали нурланиш таъсирида ошқозондаги морфологик кўрсаткичларни қиёсий ўрганиш бўйича материал ва усуллар”** га бағишланган. Янги туғилган ва 3, 6, 9, 12 ойлик стандарт виварий шароитларида сақланган 166 та оқ зотсиз эркак каламушлар танлаб олинган ва улар 4 гуруҳга бўлинган (n=166). I-гуруҳ-назорат гуруҳи (n=52); II-гуруҳ 70 кунликдан бошлаб, 0,2 Гр дозада 20 кун давомида нурланиш олган гуруҳ (умумий дозаси 4,0 Гр) (n=40); III-гуруҳ 70 кунликдан бошлаб, 20 кун давомида 0,2 Гр (умумий дозаси 4,0 Гр) дозада нурланиш билан параллел равишда АСД-2ф препаратидан 0,1 мл 0,4 мл. дистилланган сувда эритилган ҳолда қабул қилган каламушлар (n=42). IV-гуруҳ 70 кунлик даврдан бошлаб 20 кун давомида 0,2 Гр дозада (умумий дозаси 4,0 Гр) сурункали нур олгандан сўнг АСД-2ф препаратидан 0,1 мл ва 0,4 мл. дистилланган сувда эритилган ҳолда қабул қилган каламушлар (n=32) ташкил этган.

АСД-2ф дозалари эмпирик усуллар томонидан ҳисоблаб чиқилиб, ошқозон ичига эритма шаклида ҳар куни киритилган. Сурункали нур касаллигининг моделлаштирилишига эришиш мақсадида каламушлар нурланиши Эстонияда ишлаб чиқилган қуввати 25,006 сГр/мин бўлган ДТГТ “АГАТ-Р1” аппарати ёрдамида 20 кун давомида 2 ойлик даврдан бошлаб 0,2 дозада амалга оширилган (жами доза 4,0 Гр.ни ташкил этган).

Тажрибаларни лаборатория каламушларида ишлатиш жараёнида лаборатория ҳайвонлари билан ишлашда Нуралиев Н.А. ва ҳаммуал. (2016) услубий қўлланмаларидан ва лаборатория ҳайвонлари билан ишлашнинг этик тамойилларидан фойдаланилган. Белгиланган муддатларда эрталабки соатларда тажриба каламушлари вазни ўлчанган. Шундан сўнг тажриба ўтказилган каламушлар жонсизлантирилган.

Қорин бўшлиғи очилгандан сўнг ошқозоннинг макроанатомияси, скелетоскопияси ва синтопияси ўрганилган, ошқозоннинг макроанатомияси ўрганилиши яқунлангандан сўнг унинг атрофидаги тўқималардан ажратишамалга оширилган. Кейинги босқичда тарози ёрдамида каламушларнинг вазни ва штангенциркул ёрдамида чиқариб олинган ошқозоннинг анатомик параметрлари ўлчанди.

Морфологик ва морфометрик тадқиқотларни ўтказиш мақсадида чиқариб олинган ошқозон Буэн эритмасида фиксация қилинди ва керакли жараёндан сўнг материал анъанавий қодаларга кўра парафинга тўйинтирилиши амалга оширилган. Шундан сўнг ошқозоннинг кардиал ва пилорик қисмларидан олинган бўлакчалар юқори концентрациядаги спиртларда оқартириш орқали 6-7 мкм қалинликдаги кўндаланг гистологик кесимлар тайёрланган. Кесмаларнинг депарафинизациясидан сўнг уларнинг бўялиши гематоксилин-эозин ҳамда Ван Гизон усулида амалга оширилган. Ошқозон тўқималарининг морфометрик тадқиқотлари ва ўлчамлари NLCD-307В микроскопи остида амалга оширилган.

Гисто- ва цитоморфологик маълумотлар статистик ишланди, унда Pentium-IV персонал компьютерида Microsoft Office дастурлар тўплами Excel 7.0 умумий матричасидан бевосита «STTGRAPH5.1» дастурининг имкониятларини жалб қилган ҳолда, ўрта квадрат оғишлари ва репрезентатив хатоларининг кўрсаткичларини аниқлаб амалга оширилган.

Диссертациянинг учинчи боби “**Ёш нуқтаи назаридан оқ зотсиз каламушлар ошқозони ва унинг девори ривожланишининг морфометрик хусусиятлари**”ни ўрганиш ва баҳолашга бағишланган.


Ўтказган тадқиқотлар натижасидаёши ортгани сайин назорат гуруҳидаги оқ каламушлар вазнидаги нотекис ўзгаришлар мавжудлигини кўрсатган. Лаборатория каламушларида вазнининг кўпайиши 3 ойликдан бошлаб кузатилган ва янги туғилган каламушларга таққослаганда тана вазнининг ошиши 22,04 мартага кўпайиб, вазнининг энг кам ошиши 12 ойликда қайд этилган ва у 1,1 кўрсаткични ташкил этган.

Сурункали нурланишнинг таъсиридан кейин тана вазнининг сезиларли камайиши 3 ойлик тажриба каламушларида қайд этилиб, мазкур кўрсаткичларни назорат гуруҳидаги кўрсаткичлар билан қиёсий таҳлил қилганда тана вазнининг 1,06 баробарга камайиши аниқланган.

Нурланиш билан бир вақтда 0,1 мл дозали АСД-2ф биостимуляторини қабул қилган лаборатория каламушларининг учинчи гуруҳида вазн кўрсаткичларининг нурланишни қабул қилган каламушлар гуруҳидаги кўрсаткичлари билан таққосланиши 3 ойликда тана вазнининг энг юқори кўрсаткичи 1,04 баробарга ошганлиги, пасти эса 12 ойлик каламушларда 1,01 баробарга ошганлигини кўрсатган. Нурланишдан кейин 0,1 мл дозали АСД - 2ф биостимуляторни қабул қилган лаборатория каламушларининг тана вазни сурункали нур касаллигига чалинган каламушларга нисбатан таққослаганда ўзгармаган.

Назорат гуруҳидаги ва сурункали нур касаллигига чалинган лаборатория каламушлари ошқозон деворининг умумий қалинлиги параметрлари таққосланганида энг юқори ўсиши суръати кардиал қисмида 6 ойлигида 52,7% ни ташкил этган; пилорик қисмида эса юқори ўсиш суръати 6 ойлик каламушларда қайд этилиб, 32,9% ни ташкил этган. Мазкур кўрсаткичларнинг ошқозон ҳар иккала қисмидаги паст ўсиши

каламушларнинг 12 ойлигида кузатилиб, тегишлича 16,1% ва 14,5% ни ташкил қилган (1- расм).




1-расм. Сурункали нур касаллиги ва АСД-2ф билан турли коррекцияларда меъёрдаги ошқозоннинг кардиал қисми девори қалинлиги ўсиш суръатининг қиёсий тавсифи, (%).

АСД - 2ф биостимуляторини 0,1 мл нурланиш фониди қабул қилган каламушлар гуруҳида ошқозон девори қалинлигининг энг юқори ўсиш суръати кардиал қисмида ҳам, пилорик қисмда ҳам ёшнинг 6 ойлигида қайд этилиб, мос равишда 42,0%, 44,8% ни ташкил этиши аниқланган. Ошқозоннинг ҳар иккала қисмида мазкур морфометрик параметр ўсишининг паст ўсиш суръати назорат гуруҳидагилар билан таққослаганда 12 ойлик каламушларда кузатилиб, тегишлича 21,4% ва 23,2%ни ташкил қилган (2-расм).

Тадқиқот маълумотларига кўра, интакт гуруҳидаги каламушлар аъзосининг кардиал қисми шиллиқ пардаси қалинлигининг юқори ўсиш суръати ёшнинг 3 ойлигида қайд этилаган ва 57,3% ни; пилорик қисмида бу кўрсаткич 6 ойлик каламушларда кузатилиб, 43,4%ни ташкил этган. Кардиал ва пилорик қисмларда шиллиқ пардаси қалинлигининг энг кам ўсиш суръати 12 ойликда қайд этилиб, тегишлича 20,5% ва 19,7% ни ташкил этган.

Сурункали нурланган каламушлар гуруҳида ошқозон кардиал ва пилорик қисмлари шиллиқ қавати қалинлигининг ўсиш суръати 6 ойлик ёшда энг катта бўлиб, тегишлича 58,0% ва 31,0% ни ташкил этган. Мазкур кўрсаткич 12 ойлик нурланган каламушларда энг кичик бўлиб, аъзонинг ҳар иккала қисмида тегишлича 14,3% ва 13,9%ни ташкил этган.



2-расм. Сурункали нур касаллиги ва биостимулятор билан турли коррекцияларда меъёрадаги ошқозоннинг пилорик қисми девори қалинлиги ўсиш суръатининг қиёсий тавсифи, (%).

Нурланиш билан бир вақтда 0,1 мл АСД - 2фбиостимуляторни қабул қилган каламушларнинг учинчи гуруҳида ошқозон кардиал ва пилорик қисмлари шиллиқ пардасининг юқори ўсиши суръати 6 ойликда қайд этилиб, тегишлича 38,8% ва 40,1%ни ташкил этган. Ушбу морфометрик кўрсаткич аъзонинг ҳар иккала қисмларидаги энг кам ўсиш суръати 9 ойлик даврда кузатилган ва мос равишда 20,9% ва 19,2% ни ташкил этган.

Нурланишдан кейин 0,1 мл АСД - 2ф биостимуляторни қабул қилган каламушлар ошқозон девори шиллиқ қават қалинлигининг кардиал қисмида юқори ўсиш суръати 9 ойликда 29,5%, пилорик қисмида мазкур кўрсаткич 12 ойликда 34,0% ни ташкил этди.

Мазкур кўрсаткич ошқозон кардиал қисмида 12 ойлик каламушларда энг паст бўлиб - 18,3%ни, пилорик қисмида эса 9 ойликда 22,5%ни ташкил этган.

Назорат гуруҳидаги каламушларда шиллиқ парда бурмасининг баландлиги юқори ўсиши суръати ҳар иккала қисмда 3 ойлик каламушларда бўлиб, мос равишда 62,7% ва 49,1% ни ташкил қилган. Мазкур морфометрик параметрнинг кардиал ҳамда пилорик қисмларда энг паст ўсиш суръати 12 ойлик каламушларда қайд этилиб, мос равишда 17,9% ва 15,7% ни ташкил этган.

Қиёсий таҳлил сурункали нурланган каламушлар гуруҳида ошқозоннинг ҳар иккала қисмларида шиллиқ қават бурмасининг баландлиги энг юқори ўсиш суръати 6 ойлигида кузатилган ва мос равишда 63,2% ва 34,6%га тенг бўлишини кўрсатган. Юқоридаги кўрсаткичнинг паст ўсиш суръати 12 ойлигида бўлиб, мос равишда 14,0% ва 17,3% ни ташкил этган.

Тадқиқот натижалари АСД - 2ф биостимуляторни 0,1 мл нурланиш билан бир вақтда қабул қилган каламушлар гуруҳида ошқозонининг ҳар

иккала қисмидаги шиллик қаватнингэнг юқори ўсиш суръати 6 ойликда кузатилиб, 59,0% ва 44,6% ни ташкил этди. Мазкур параметрлар ошқозоннинг кардиал ва пилорик қисмларидаги паст ўсиш суръати 9 ойлик каламушларда кузатилиб, тегишлича 21,6% ва 19,7% га тенг бўлган.

АСД - 2ф биостимуляторни 0,1 мл нурланишдан сўнг қабул қилган лаборатория каламушларида ошқозон девори шиллик қават бурмасининг баландлиги юқори ўсиш суръати кардиал қисмида 9 ойликда қайд этилиб, 34,0% га тенг, пилорик қисмда эса мазкур кўрсаткичнинг энг юқориси 12 ойлик каламушларда қайд этилиб, 33,6%ни ташкил этган. Ошқозон кардиал қисми шиллик қават баландлигининг паст ўсиши суръати 12 ойлик каламушларда 19,2%ни ташкил этиб, пилорик қисмида эса 9 ойлик даврда 22,1% қайд этилган. Шиллик қават без тўқимасининг баландлиги интакт гуруҳдаги каламушлар ошқозон девори ҳар иккала қисмида мазкур параметрнинг энг юқори ўсиш суръати 3 ойликда қайд этилиб, тегишлича 56,7% ва 70,9%ни ташкил этган. Ошқозоннинг тадқиқ этилаётган қисмларида без тўқимаси баландлигининг энг паст ўсиш суръати 12 ойлик каламушларда қайд этилиб, тегишлича 17,0% ва 23,1%ни ташкил қилган.

Тадқиқот бажарилиши жараёнида, яъни сурункали нур касаллигини моделлаштиришда ошқозоннинг кардиал ва пилорик қисмларидаги шиллик қават без тўқимаси баландлигининг юқори ўсиш суръати 6 ойлик каламушларда қайд этилиб, тегишлича 46,8% ва 38,4%ни ташкил этган. Мазкур кўрсаткичнинг паст ўсиш суръати 12 ойликда бўлиб, тегишлича 18,7% ва 18,5% ни ташкил қилган.

АСД - 2фбиостимуляторни 0,1 мл нурланиш фониди қабул қилган тадқиқ этилаётган каламушларда без тўқимаси баландлигининг ўсиш суръати ошқозон деворининг кардиал ва пилорик қисмларида 6 ойликда максимал бўлиб, тегишлича 53,9% ва 53,4%ни ташкил этган бўлса, юқоридаги кўрсатилган параметрларнинг ошқозон қисмларидаги паст ўсиш суръати 12 ойликда қайд этилиб, тегишлича 16,0%ва 5,3% ни ташкил этган

Нурланишдан кейин АСД - 2ф биостимуляторни 0,1 мл қабул қилган каламушлар ошқозон девори шиллик қават без тўқимасининг юқори ўсиши суръати кардиал қисмида 9 ойликда 31,1%га тенг, пилорик қисмида эса юқори ўсиш суръати 12 ойликда қайд этилиб, 28,4% ни ташкил этган. Ошқозоннинг кардиал қисмида мазкур кўрсаткичнинг энг паст ўсиши суръати 12 ойлик каламушларда қайд этилиб, 16%ни, пилорик қисмида 9 ойликда 27,3% ни ташкил этган.

Тажриба давомида назорат гуруҳидаги каламушларда ошқозоннинг ҳар иккала қисмида шиллиқости асоси қалинлигининг энг юқори ўсиши суръати 3 ойликда қайд этилиб, тегишлича 58,9% ва 56,5% ни ташкил қилган. Мазкур параметрнинг ошқозон кардиал қисмида энг паст ўсиш суръати 9 ойликда аниқланиб, 24,0% ни, 12 ойлик каламушлар ошқозонининг пилорик қисмида эса 3,9%ни ташкил этган.

Назорат гуруҳидаги ва сурункали нур касаллигига чалинган каламушларда ошқозон шиллиқ ости асоси параметрлари таққосланганда кардиал қисмда унинг энг юқори ўсиш суръати 12 ойликда 31,8%, пилорик қисмда эса 9 ойлик каламушларда кузатилиб, 40,3% ни ташкил қилган. Ошқозоннинг кардиал қисмида мазкур кўрсаткичнинг энг паст ўсиши суръати 9 ойлик каламушларда кузатилиб, 12,2%ни, пилорик қисмида 12 ойликда 10,6%ни ташкил этган.

Тадқиқотда АСД - 2ф биостимуляторни 0,1 мл нурланиш билан биргаликда қабул қилган каламушлар гуруҳида ошқозоннинг кардиал ҳамда пилорик қисмлари шиллиқ ости асосининг энг юқори ўсиш суръати 6 ойликда қайд этилиб, мос равишда 53,0% ва 47,1% ни ташкил этган. Ошқозоннинг кардиал қисмида кўрсатилган параметрнинг энг кам ўсиш суръати 9 ойликда 23,0%, пилорик қисми 12 ойликда 8,7% ни ташкил этган.

Нурланишдан кейин АСД - 2ф биостимуляторни 0,1 мл қабул қилган каламушлар ошқозон деворининг кардиал ва пилорик қисмлари шиллиқ ости асоси энг юқори ўсиш суръати 9 ойликда 47,8% ва 29,7%ни ташкил этган. Ошқозон қисмларининг кўрсатилган параметри энг паст ўсиш суръати 12 ойликда 23,1% ва 9,1% ни ташкил этган.

Каламушлар интакт гуруҳида ошқозон мушак қавати қалинлигининг ўсиш суръати кардиал ва пилорик қисмларида 3 ойликда энг юқори бўлиб, мос равишда 62,3% ва 69,8%ни ташкил этиши аниқланган. Мазкур кўрсаткичнинг энг паст ўсиши 12 ойлик каламушларда аниқланиб, 18,0% ва 21,7% ни ташкил этган.

Мазкур маълумотларни қиёсий таққослаш сурункали нур касаллигига учраган каламушлар гуруҳидагиларнинг ошқозони кардиал ва пилорик қисмлари мушак қавати қалинлигининг энг юқори ўсиши суръати 6 ойликда қайд этилиб, 48,3% ва 36,5% га тенг бўлган. Мазкур параметрлар ошқозон девори тадқиқ этилаётган қисмларида каламушларнинг 12 ойлигида кузатилиб, мос равишда 15,2% ва 17,8%ни ташкил этган.

Нурланиш билан бир вақтда 0,1 мл дозада АСД - 2ф биостимуляторни қабул қилган каламушлар гуруҳида ошқозоннинг ҳар иккала қисмида мушак қавати қалинлигининг энг юқори ўсиш суръати 6 ойликда қайд этилиб, мос равишда 44,8% ва 55,8% ни ташкил қилган.

Мазкур кўрсаткичнинг ҳам кардиал, ҳам пилорик қисмларида энг паст ўсиш суръати 12 ойлик каламушларда кузатилиб, мос равишда 11,8% ва 23,9%ни ташкил этган.

Нурланишдан кейин 0,1 мл АСД - 2ф биостимуляторни қабул қилган лаборатория каламушларда ошқозоннинг ҳар иккала қисмида мушак қавати қалинлигининг энг юқори ўсиш суръати 9 ойликда 42,5% ва 36,5%ни, бу параметрнинг энг паст ўсиш суръати 12 ойлик каламушларда 20,1% ва 11,2% ни ташкил этган.


Лаборатория ҳайвонлари ошқозони девори лимфа тугунларининг структуравий ва миқдорий нисбати шуниндек назорат ва тажриба гуруҳларида ҳам тафовутларга эга бўлган.

Диссертациянинг тўртинчи бобида “Лаборатория ҳайвонлари ошқозони шиллиқ ости асосидаги лимфа тугунлари морфологик параметрларига сурункали нурланиш таъсири ва АСД-2ф таъсирининг қиёсий тавсифи” келтирилган.

Назорат гуруҳининг янги туғилган каламушларида ошқозоннинг кардиал ва пилорик қисмларининг шиллиқости асосида жойлашган лимфа тугунлари кичик лимфоцитлардан ташкил топган бир қаторли занжир шаклида ўз аксини топади. Тадқиқот давомида ўрганилаётган аъзонинг кардиал қисми лимфа тугунлар қизилўнгач қисмидаги шиллиқ ости асос тузилмаларининг давоми ҳисобланади.

Постнатал онтогенезда назорат гуруҳи каламушлари ошқозони деворининг лимфа тугунлари таркибининг мураккаблашиши қайд этилаган. 3 ойлик каламушларда кардиал қисмининг шиллиқ ости асос хужайралари қаторлари микдорининг 3-4 мартагача, пилорик қисмида 2 мартагача катталашини кузатилаган. Улар учун ошқозон деворининг шиллиқ ости асоси бўйлаб текис тақсимланиш хосдир. 6 ойлик даврда ошқозон пилорик қисмининг безлари асосан тубида жойлашган, 9 ойликда келиб таркибидаги хужайраларнинг сони 3-4 гача етадиган лимфоцитлар уюмлари шакллана бошлаши қайд этилган. 12 ойлик каламушларда кардиал ва пилорик қисмлари орасидаги чегара бурмалари асосида кичик ва ўрта ҳажмли лимфоцитлардан иборат, 10 тадан 15 тагача микдорда хужайраларга эга лимфа тугунлари топилган. Бундан ташқари ошқозон ва 12 бармоқли ичакнинг чегарасида жойлашган шиллиқ қавати бурмаси таркибида 40 тагача хужайраларга эга думалоқ ва овал шаклдаги лимфа уюмлари мавжуд. Мазкур лимфа уюмлари ўзларининг атрофдаги тўқималардан аниқ чегараларнинг йўқлиги билан тавсифланган.

Сурункали нур касаллигига чалинган каламушлар гуруҳида лимфа тугунларининг сони, ҳажми ва шаклида кичрайиши қайд этилган. Бундан ташқари ошқозондан 12 бармоқли ичакка ўтиш соҳасида шиллиқ қаватнинг ўз пластинкасида жойлашган лимфа тугунлар ўз зичликларининг 12 бармоқли ичак йўналишида камайиши билан тавсифланган. Нурланган каламушлар ошқозони девори лимфа тугунлари сонининг назорат гуруҳидаги ўхшаш маълумотлар билан таққослаганда улар сонининг 60-65%га камайганлигини кўрсатган. Лимфа тугунларининг ҳажми сезиларли даражада камайган ва нотекис шаклга кирган. Оқ зотсиз каламушларнинг бу гуруҳида ошқозон девори кардиал қисмининг шиллиқ ости асосидаги лимфа тугунлар бир бирига ва шиллиқ пардасига мустаҳкам ёндашган 1-2 қаторли кичик лимфоцитларга эга. Пилорик қисмида лимфа тугунлар без тўқималарининг остида жойлашган кичик лимфоцитларнинг 2 қаторли занжирлари ва 3-4 лимфоцитлар уюмлари шаклида аниқланаган. Томирларнинг деворига лимфоцитларнинг 1-2 қаторли занжири мустаҳкам ёндашган (3-расм).




3-расм. 6 ойлик сурункали нур касаллигига чалинган оқ зотсиз каламуш ошқозони қизилўнгач қисмининг тузилиши (1—шиллик қават, 2 –шиллик ости асоси, 3 –мушак қавати. Гематоксиллин-эозин билан бўялган. Ок.10хоб.40)

Нурланиш билан бир вақтда 0,1 мл АСД - 2ф биостимуляторини қабул қилган лаборатория каламушларида ошқозон девори лимфа тугунлари сонининг ошиши ва улардаги кўрсаткичларнинг 90-95% меъёрдаги чегарасига яқинлашиши аниқланди.

Тажриба давомида нурланишдан кейин 0,1 мл АСД - 2ф биостимуляторини қабул қилган лаборатория оқ каламушларида шиллик ости асоснинг лимфа тугунлари сони 80% га тикланганлиги аниқланган. Ошқозоннинг кардиал қисми хусусий пластинкаси 2-қаторли кичик лимфоцитлар билан намоён бўладиган лимфа тугунларига эгаллиги маълум. Шиллик қаватнинг бурмаларида 4-5 кичик лимфоцитлар уюмларининг мавжудлиги қайд этилган. Пилорик қисмининг шиллик қаватида 1-қаторли кичик лимфоцитлар занжири, шунингдек безлар остида жойлашган 3-4 хужайралардан иборат уюм мавжуд. Шиллик ости асоснинг томирлари уларга лимфоцитларнинг мустаҳкам ёндашган 1-2 қаторли занжири билан ўралган (4-расм).

Лаборатория каламушларининг ошқозон девори шиллик қавати тузилишининг хусусиятларига тегишли тадқиқотлар каламушларнинг интакт гуруҳи аъзолари кардиал қисмининг шиллик қавати кўп қаватли қалинлашган эпителий билан қопланганлигини кўрсатган. Эпителий уч қатор хужайралардан иборат. Бунда базал қаторнинг хужайралари катта ҳажмга эга бўлмаган, думалоқ ва овал шакли, бир-бирига мустаҳкам ёндашганлиги ва ядроларининг марказда жойлашганлиги билан тавсифланган. Ўрта ва юқори қаторларнинг хужайра таркиби каттароқ шаклдаги овал хужайралардан, улар хужайраларининг перифериясига яқин эксцентрик жойлашган ядролардан иборат. Хужайраларнинг апикал қисмида секретор гранулаларнинг борлиги яққол кўринган. Ошқозоннинг кардиал қисмини проксимал эпителий қатори хужайралари кутикула билан қопланган.



4-расм. 6 ойлик сурункали нур касаллигига чалинган оқ зотсиз каламуш ошқозони пилорик қисмининг тузилиши (1–шиллик қават, 2 –шиллик ости асоси, 3 –мушак қавати. Гематоксиллин-эозин билан бўялган. Ок.10хоб.40)

Сурункали нурланишга чалинган оқ каламушлар ошқозон деворининг шиллик пардаси эпителий қоплами микдор ва сифат жиҳатдан сезиларли ўзгаришларга учраган. Эпителий хужайраларнинг нотўғри шаклдаги икки қаторга эга бўлиб, бунда ошқозон кардиал қисмининг проксимал қаторида секретор гранулалари аниқланмаган. Бу ҳолат ошқозон эпителий хужайралари патологияларининг турли шаклларида ядроларнинг парчаланиши рўй бериб, уларда вакуола топилган. Назорат ва нурланган гуруҳдаги эпителий қатлами қалинлиги кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили нурланишни қабул қилган каламушларда мазкур кўрсаткичлар ошқозоннинг кардиал қисмида 1,7 мартани, пилорик қисмида 2,2 мартага камайишини кўрсатган.

Нурланиш билан бир вақтда 0,1 мл АСД - 2ф биостимуляторини қабул қилган тажрибадаги оқ каламушларда биостимулятор натижасида эпителий қопламининг структура кўрсаткичлари меъёр кўрсаткичларига яқинлашган. Бу коррекция учун танланган АСД - 2ф биостимуляторни ижобий радиопротектив таъсири билан изоҳланган. Биостимуляторнинг ижобий таъсири эпителийнинг базал қатори хужайраларида секретор гранулалари пайдо бўлишида намоён бўлган. Бундан ташқари эпителий хужайралари тўғри шакл ва ҳажмга эга бўлаган ва бир бирига зич ёндашганлиги билан тавсифланган.

Нурланишдан кейин 0,1 мл АСД - 2ф биостимуляторини қабул қилган оқ каламушлар гуруҳи назорат гуруҳидаги каламушлар билан таққосланганда ошқозон шиллик пардаси эпителий қатлами баландлигининг сезиларсиз пасайганлиги қайд этилган. Кўп қаватли қалинлашган эпителийда секретор гранулаларнинг борлиги ва базал қаторнинг хужайраларида ядро марказда

жойлашган уч ҳужайрали қатордан иборат. Тадқиқ этилаётган орган кардиал қисмининг юқоридаги ҳужайралар қатори кутикула шаклидаги қопламага эга бўлган.

Сурункали нур касаллигига чалинган лаборатория ҳайвонлари назорат гуруҳи билан таққосланганда коллаген, эластик ва ретикуляр толалар тутамлари қалинлиги кўрсаткичларининг камайганлиги қайд этилган. Бундан ташқари бириктирувчи тўқималар толаларининг тутамлари ўз йўналиши, тартибсиз жойлашуви билан тавсифланаган. Тадқиқот натижалари нурланиш фонидида 0,1 мл АСД - 2ф биостимуляторини қабул қилган оқ зотсиз каламушлар гуруҳида шиллик қаватнинг хусусий пластинкасида ётган бириктирувчи тўқималар толаларининг барча тутамлари қалинлиги кўрсаткичларининг катталаниши рўй бериб, уларнинг меъёр кўрсаткичларига яқинлашишини кўрсатган. Нурланишдан кейин 0,1 мл АСД - 2ф биостимуляторини қабул қилган оқ зотсиз каламушларда шиллик қават хусусий пластинкасида бириктирувчи тўқима толаларининг қалинлиги, йўналиши ва зичликка тегишли кўрсаткичларида сезиларсиз ўқишлар кузатилган.

Ўтказилган тадқиқотлар натижаларига асосан биостимуляторнинг кеч қўлланилгани (нурланишдан кейин) аҳволни яхши томонга ўзгартирмаган.

Шундай қилиб, тадқиқотлар АСД-2ф биостимуляторини тажрибада сурункали нур касаллигида қўлланилиши ошқозон морфологик ва морфометрик кўрсаткичларининг эрта тикланишига олиб келишини кўрсатган.

ХУЛОСА

1. Оқ зотсиз каламушлар 3 ойлик даврга етганида ошқозон девори шиллик қавати ва шиллик ости асосининг ривожланиши, ошқозон ширасини ишлаб чиқариш ва озиқ махсулотларининг ҳазм қилиш функциясини тўла бажараётганидан дарак беради. Тажрибадаги ошқозон қалинлигининг юқори ўсиш суръати назорат гуруҳидаги оқ каламушларнинг 3 ҳамда 6 ойлик даврида кузатилиб, кардиал қисмида 55,4% ва 52,7% ни; пилорик қисмида 52,7% ва 44,9% ни ташкил этди. Ўсиш суръатининг энг пасти 9 ҳамда 12 ойликда кузатилди, бунда кардиал қисмида 31,9% ва 19,9% ни, пилорик қисмида 28,9% ва 20,4% лари аниқланди.

2. Ошқозоннинг морфометрик ўзгаришларини ўрганиш асосида аъзо деворини ташкил қилган катта ва кичик эгриликни камраган барча қатламларнинг узунлиги, кенлиги, ёшга боғлиқ ҳолда уларнинг нотекис ўсиши аниқланди. Сурункали нур касаллигига чалинган лаборатория каламушларида мазкур кўрсаткичларнинг ўсиш суръатининг пасайганлиги кузатилди. Сурункали нурланишдан кейинги тажрибадаги гуруҳ оқ зотсиз каламушларга 0,1 мл АСД -2ф биостимулятори берилганда аъзо девори қалинлигининг юқори ўсиши суръати ҳар иккала қисмида 9 ойликда қайд этилиб, тегишлича 34,5% ва 29,5% ни ташкил этди. Ошқозоннинг ҳар иккала

қисмида мазкур кўрсаткичнинг паст ўсиш суръати 12 ойлик каламушларда кузатилиб, мос равишда 19,4% ва 22,6% ларга тенглиги аниқланди.

3. Сурункали нур касаллиги оқ каламушлар ошқозон деворининг шиллиқ қавати ва шиллиқ ости асосининг зичлиги ҳисобига қалинлигининг камайишига олиб келиши аниқланди. Биостимулятор билан коррекция қилинганда тажрибанинг кейинги босқичида уларнинг қалинлиги меъёр кўрсаткичларига яқинлашиши кузатилди.

4. Радиация омилларининг биостимулятор қабул қилган каламушларга нурланиш фониди ва ундан кейинги таъсирида уларнинг вазни назорат гуруҳидан орқада қолишига олиб келди. АСД-2ф препарати қўлланилганда каламушларнинг тана вазни камайиши кузатилмади. Нурланиш фониди параллел равишда 0,1 мл АСД -2ф биостимуляторини қабул қилган лаборатория ҳайвонлари гуруҳида ошқозон деворининг умумий қалинлиги юқори ўсиш суръати 6 ойликда кардиал ҳамда пилорик қисмларида мос равишда 42,0% ва 44,8% ни ташкил этиши аниқланди. Мазкур морфометрик параметрларнинг ошқозон ҳар иккала қисмида паст ўсиш суръати назорат гуруҳи билан таққослаганда каламушларнинг 12 ойлигида кузатилиб, тегишлича 21,4% ва 23,2% ни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

ХУДОЙБЕРДИЕВ ДИЛШОД КАРИМОВИЧ

**СРАВНИТЕЛЬНАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА МОРФОМЕТРИЧЕСКИХ
ПАРАМЕТРОВ ЖЕЛУДКА ПРИ ХРОНИЧЕСКОЙ ЛУЧЕВОЙ
БОЛЕЗНИ И КОРРЕКЦИЯ БИОСТИМУЛЯТОРОМ В
ПОСТНАТАЛЬНОМ ОНТОГЕНЕЗЕ**

14.00.02 – Морфология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.3.PhD/Tib1135.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.bsmi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель	Тешаев Шухрат Жумаевич Доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты	Мукадас Холтаевна Рахматова доктор медицинских наук Миршарапов Ўткир Миршарапович доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация	Волгоградский государственный медицинский университет (Российская Федерация)

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г. Бухара, улица А.Навои, 1, Тел./факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована № ____). Адрес: 200118, г. Бухара, проспект А.Навои, 1, Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.

(реестр протокола рассылки № ____ от «___» _____ 2021 года).

А.Ш. Иноятов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.Н.Ачилова

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии (PhD) по медицинским наукам

Н.А. Нуралиев

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По прогнозам Всемирной организации здравоохранения, к середине XXI века заболевания органов пищеварения будут занимать одно из ведущих мест. Это в основном связано с образом жизни человека (стрессы, нерациональное питание, гиподинамия, вредные привычки), загрязнением окружающей среды, потреблением некачественной пищи. Среди факторов, оказывающих на людей отрицательное влияние, ионизирующее излучение занимает отдельное место, так как оно разрушает равновесие метаболизма организма и вызывает существенные изменения в органах пищеварительной системы, обладающей высокой чувствительностью к облучению. Поэтому Международной Организацией Труда оно внесено в список канцерогенных веществ, вызывающих профессиональные онкологические заболевания. Несмотря на это, «...количество радиационных объектов увеличивается в год на 10%, количество же ведущих на них деятельность на 4%...»¹. Это показывает, что проблема облучения не только радиобиологическая, но и медико-социальная и поиск её решения актуальная задача.

Результатами множественных проводимых исследований на мировом уровне показано возрастание у 35% людей различных видов заболеваний желудка. Среди этих заболеваний по отношению к другим гастрит и язвенная болезнь желудка составили наибольший процент. В результате изучения воздействия ионизирующего излучения на пищеварительную систему наблюдалось поэтапное снижение секреторной функции желез желудка при хронической лучевой болезни. Указанные отклонения компенсированы не сопровождались субъективными расстройствами. По мере утяжеления общего патологического процесса нестойкие нарушения секреторно - моторной активности сменяются более стойким и закономерным угнетением секреции. Определение степени морфометрических изменений желудка, разработка диагностических и лечебных мероприятий приобретают важное значение.

В нашем государстве осуществляется коренное улучшение системы здравоохранения, в том числе всесторонне глубоко изучено влияние канцерогенных веществ на пищеварительную систему, получены обоснованные результаты. Стратегией действий по развитию Республики Узбекистан обозначены важные задачи, направленные на «...повышение качества оказания населению медицинских и социально-медицинских услуг, формирование у населения здорового образа жизни»². Для решения этих проблем необходимо создание возможности уменьшения уровня смертности от заболеваний желудка, развивающихся вследствие облучения, поднятие на новый уровень качества современного медицинского сервиса, диагностики и лечения, улучшение использования современных технологий.

¹Lee Y.J., Lee J.W., Jeong G.S. The increased use of radiation requires enhanced activities regarding radiation safety control // J Radiat Ind. – 2015. – N 9 (2). – P. 103– 109.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-6110 от 12 ноября 2020 года «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ», Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-4887 от 10 ноября 2020 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы Государственного управления сферой здравоохранения», №ПП-4891 от 12 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике», а также в других нормативно-правовых документах, касающихся деятельности в данном направлении.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено соответственно приоритетному направлению развития науки и технологий Республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Богатый спектр биологически активных соединений (БАС), содержащихся в сырье многих растений, оказывает общее оздоравливающее (органопротекторное) действие на организм наряду со специфическим фармакологическим действием [Тешаев Ш.Ж. и др., 2020].

На сегодняшний день для снижения влияния на организм социально-экологических факторов, коррекции метаболизма и иммунитета остаётся актуальной проблема получения биологически активных веществ. Биостимуляторы и адаптогены повышают силы организма в оказании общего противостояния физической и эмоциональной нагрузке. [Куркин В.А. с соавт., 2017].

